

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№ 59 — 60

(2596 — 2597)

1993 йил

30 июль

ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН
НАРХДА

БУГУНГИ СОНДА:

2-БЕТ.

САМАРҚАНД:
КЕЧА ВА БУГУН

3-БЕТ.

НИШОНДАН ЧИҚҚАН
ФАЙЛАСУФ

6-БЕТ.

БОСҚИНЧИЛАР

ЛЕЙТЕНАНТЛАР ХИЗМАТГА ОТЛАНИШМОҚДА

Тошкент Олий милиция мактабини тингловчилар бу йил 23-мартаба битириб чиқдилар. Байроқбардор гуруҳ машқ майдонида мактаб байроғини олиб чиқиши билан ҳарбий оркестр

садолари янгради. Ёш лейтенантлар ҳам, фахрийлар, меҳмонлар, профессор-ўқитувчилар ҳам жиддийлашдилар. Ҳуқуқшунос ихтисосини

ўзлаштириш учун таҳсил кўрган, курсантларнинг ўтган тўрт йили ана шундай тантанали дақиқалар билан якунланди.

Мактаб бошлиғи милиция полковниги У. Тожионов ёш зобитларни ўқувни муваффақиятли тугаллаганликлари билан табриклади. Таҳсил вақтида курсант Маҳмадали Исмоилов айниқса ажралиб турди, бугунги кунда унга катта лейтенант унвони берилди. Бундай ишонч кўп нарсага, аввало — ўз халқининг фаровонлиги йўлида виждонан хизмат қилишга ундайди.

Республика Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Э. Ҳалилов ҳам ўз нутқида ана шуни таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Р. Ҳайдаров ИИБ раҳбарияти номидан битирувчиларга бундан кейинги хизматда муваффақиятлар тилади.

— Жамоат тартибини сақлаш учун ўз куч-қувватимизни аямай сарфладик, — деди фахрийлар номидан сўзга чиққан истефодаги генерал-лейтенант Б. Сирожиiddинов. — Ишончимиз комилки, сизнинг авлодингиз бизнинг ишимизни шараф билан давом эттиради, қаерда хизмат қилишингизга тўғри келмасин, катта авлоднинг муносиб ворислари бўласиз.

Йигитлар энди турли жойларда хизмат қиладилар. Зеро Тошкент Олий милиция мактаби бугунги кунда фақат республикаимиз учунгина кадрлар етказиб бераётгани



йўқ. Тантанали сафда турган битирувчилар орасида Қирғизистон, Россия Федерацияси, Тожикистон вакиллари ҳам бор. Ёш зобитлар уларга ҳаёт сари йўлланма берган кадрдон мактабларининг шаънини

баланд кўтарадилар деб ишонамиз. Муваффақият сизларга ёр бўлсин, зобитлар!

ҲАБИБ ШУКУР.
Суратларда: тантана лавҳалари.

Муаллиф олган суратлар.



ИККИ ЖУМА ОРАЛИҒИДА

ТЕРГОВ БОШЛАНДИ

ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING Жалолобод вилоятдан келган Н. Х. нинг халтаси Тошкент темир йўли шохбекатида кўздан кечирилганда ундан икки килограмм наشا топилди. Тергов ишлари олиб бориляпти.

САБАБИ ЎРГАНИЛМОҚДА

ТЕРМИЗ ШАҲРИДА жойлашган Ўзбекистон алоқа идораси моддий таъминот омборхонасида ёнғин чиқиб, унинг 48 квадрат метр майдонидаги 3 тонна сургуч ва турли иш қозғалари ёниб кетди. Ёнғин натижасида қўрилган умумий зарар миқдори 60 минг сўмни ташкил қилади. Ёнғин сабаблари ўрганилмоқда.

ҚОТИЛ УШЛАНДИ

САМАРҚАНД ШАҲРИЛИК Т. В. ўзаро жанжал туфайли Кимегарлар кўргонида яшайдиган Ж. К. нинг кўкрагига пичоқ ботириб, жуфтакни ростлади. Ж. К. касалхонага етмай вафот этди. Қотил қўлга олинди.

ТУНГИ ТАЛОҲЧИЛАР

ЯНГИОБОД ШАҲАРЛАРАРО телефон станцияси ишчиси тунда уйига қайтаётган эди. Қўқисдан уч нафар ўспирин йигитлар унинг йўлини тўсиб чиқишди. Ҳали бирон бир сўз айтиб улгурмай ўспиринлар унинг қўлидаги сумкасини тортиб олишди ва ичидаги 11 минг 800 сўм пулни қўнтакка уриб, кўздан ғойиб бўлишди. Ишчининг кўргазмасига кўра, тунги босқ

САМАРҚАНД давлат тиббиёт олийгоҳининг Жамшид кўчасида жойлашган оилавий ётоқхонасида шу йилнинг 16 июнь куни қотиллик содир бўлди.

Қотиллик ҳақида хабар олинган, вилоят ички ишлар идораларининг мавжуд куч ва воситалари қотилликни очишга сафарбар қилинди. Ётоқхонада яшовчи олийгоҳ талабалари ўртасида тезкор суриштирув ишлари олиб борилди. Бунда олийгоҳ маъмурияти ички ишлар идоралари ходимларига амалий ёрдам кўрсатди.

Талабалар ўртасида ижтимоий вазиятни барқарорлаштириш, ҳар бир ётоқхона, ҳар бир ўқув биносида профилактика ишлари олиб бориш учун ИИБ ходимлари бирктилиди.

Кўрилган тезкор тадбирлар натижасида қотиллик тўрт кеча-кундузда очилди. Қотил — Самарқанд давлат тиббиёт олийгоҳининг 4-курс талабаси А. Р. бўлиб чиқди. Айни пайтда ушбу жиноий иш бўйича тергов ишлари олиб борилаётди.

Ҳа, тезкорликда гап кўп. Шунинг учун ҳам вилоят ички ишлар идоралари ходимлари ҳар бир топширилган ишни тезкорлик билан ҳал этишга ҳаракат қилишади. Бу ижобий самаралар берапти.

Шу билан бирга вилоят ҳудудида "Комплекс" операцияси мунтазам равишда ўтказиб турилгани жиноятчиликнинг олдини олишнинг муҳим омилларидан бири бўляпти. Мисолларга мурожаат қилайлик.

Шу йилнинг 28 июнига қадар вилоятда ими-жимида фаолият кўрсатаётган 14 та уюшган гуруҳ аъзолари томонидан содир этилган 64 та жиноят очилди (шундан 51 таси оғир жиноятлардир). Натижада 53 нафар жиноятчи ҳисобга олинди. Улар орасида Россия, Украина ва бошқа давлатлараро қидирувда бўлган 10 нафар жиноятчи бор.

Иқтисодий соҳа бўйича ҳам 42 та жиноят фожияти. Еттига ўқотар қурол ноқонуний сақланаётгани учун мусодара қилинди. 176680 квадрат метр майдонга экилган наркотик ўсимликлар аниқланиб, йўқ қилиб ташланди. 5478 грамм наркотик модда ва 18 грамм қорадори мусодара қилинди.

Шу кеча-кундузда Самарқанд шаҳри бўйича 600

нафар милиция ходими яшаш ва ишлаш жойлари номаълум бўлган шахсларни аниқлаш, кримноген объектларни ҳар томонлама текшириш билан шугулланмоқдалар. Ҳозирга қадар шаҳардаги 9178 та хонадон текширувдан ўтказилди, 394та уй ертўралари, кўп қаватли уйларнинг чордоқлари кўздан кечирилди. Натижада паспорт режимини бузган 198 шахс аниқланди.

Бундан ташқари, саккизта меҳмонхонада текширув ишлари олиб борилди. Натижада меҳмонхонадаги 964 та фуқародан 19 нафари паспорт қонун-қоидаларига

изланиш ишлари давлат мулки бўлмаган объектларда ҳам олиб борилмоқда. 100 та шахсий ва давлат автобуси ҳайдовчилари билан, 44 та гушт сотиш дўконларининг сотувчилари, савдо ходимлари, маиший хизмат ходимлари билан огоҳлантириш-профилактика ишлари олиб борилди.

7 та кичик, 4 та қўшма корхоналар ва 10 та ширкатларнинг фаолияти текширилганда мансабини суистеъмол қилиб, катта миқдордаги пул ўзлаштириб юборилгани аниқланди. Жумладан, Жомбой районида Н. исмли шахс қалбаки ҳужжатлар тузиб, минг дон

маршрути бўйича қатнайдиған автобус йўловчиси С.Е.нинг ёнидан 4 килограмм наша топилди.

27 июнь куни Самарқанд-Панжакент маршрути бўйича қатновчи автобусда кетаётган Қирғизистон Республикасининг фуқароси А. Мамадалиевнинг ёнидан эса бир килограмм наша топилди.

Бу ва шунга ўхшаган мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ҳамдўстлик мамлакатларининг айрим фуқаролари Республикаимиз ҳудудига, шу жумладан, вилоятимизга келиб, жиноят қилишининг олдини олиш мақсадида ва оператив вазиятни барқарорлаштиришда шубҳа туғдирган шундай шахсларни аниқлаш ва рўйхатга қўйиш ишлари давом эттирилмоқда. Бу иш вилоят, шаҳар, туман ички ишлар идораларининг раҳбарлари томонидан доимий назоратга олинган.

Самарқанд туманида ташкил қилинган "Юлдуз" қўшма корхонасида Озарбайжон Республикаси фуқаролари ака-ука Редвановлар ва И. Аҳмедов ҳужжатсиз, яъни қонуний расмийлаштирмасдан ишлаб келаётганликлари ва улар Садртепа масканидаги кўп қаватли уйлардан бирида паспорт қоидаларига риоя қилмасдан яшаётганлари аниқланди.

Бугунги кунда "Комплекс" операцияси билан бирга "Ҳосил-93" операциясини ҳам ўтказишни режалаштириш кўриб чиқилмоқда.

Жумладан 27 июнь куни Иштихон тумани Қорабоев номи жамо

У ЧЎЛДА сурув кетидан бораркан, кўзини китобдан узмас эди. Қалин ўсган баланд бўйли ўтлар орасида кўзга кўринмай етган дўнгликлар ва чуқурликларни писанд қилмас, гўе улар унинг учун мавжуд эмасдек эди. Мактаб кутубхонасида, сўнгра туман кутубхонасида бўлган ҳамма китобларни ўқиб чиққан эди. Майн Рид, Навоий, Абдулла Қодирий, Ойбек, Махтумқули, Максим Горький асарларини кунт билан мутулаа қилди. Улар орасида машхур файласуф Дидронинг бир жилдан иборат асарлари ҳам бор эди.

Куёш чошгоҳга келганда йигитча бир зумда тамадди қилиб оларди ва хаёлот оламига гарқ бўларди. У хаёл суриш, ширин орзулар денгизига шўнгиш мумкин бўлган ана шу дам олиш дақиқаларини яхши кўрарди.

1946 йилда туғилган ана шу бўйчан, сермулоҳаза йигит ҳамма нарсани билишга қизиқарди. Шу сабабдан китобларга айрича меҳр қўйди. Кечалари ухламай, кундузлари сурув кетидан бораркан китоб мутулаа қилишни қанда қилмас эди (отасига ердан бериши лозим эди, зеро оилада ундан ташқари яна тўрт бола — унинг икки укаси ва икки синглиси бор).

Кечки овқатдан сўнг уйда ҳордиқ чиқариш дақиқалари ҳам унга ёқарди: ўз вақтида эски мактабни битирган, диний оилада тарбия топган ғамхўр онаси — Муяссар опа болаларга мумтоз шoirларнинг шеърларидан ўқиб берар, эртақ ва диний ривоятларни ҳикоя қилар эди. Айни у углининг маънавий устози бўлди, унга гўзалликни тушуниш ва севишни ўргатди.

Бердиқулнинг отаси — Тўра Тўйчиев 1945 йили фронтда оғир жароҳ бўлиб, уйига қайтиб келди. Ордон ва медалларга кўраги тўлган отаси ўзига кадрдон "Нишон" совхозига чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш бўйича вакил, сўнгра бригадир бўлиб ишлай бошлади. У мактабни тугатишга муваффақ бўлмади. Ўқиб ва езишни фронтда ўрганди, ўша ерда тирик қайтмас, албатта болаларимни ўқитаман деб ўзига сўз берди.

Шундай қилди ҳам. Болалари ҳам ўқишга меҳр қўйди. Улар мактабни тугатгач, олийгоҳларда ўқидилар ва имтиёзли диплом олдилар. Умиркул ҳозир кадрдон Нишонда туман пилла идорасининг бош агрономи, Амиркул ирригатор бўлиб етишди, Турсуной акиси каби файласуф бўлди, Тошкент дорилфунунда дарс беради. Факат энг кичик синглиси — Жумагул рўзгор билан банд бўлиб қолди. Турмушга чиқди, энди болаларини тарбиялаш билан банд.

Оиланинг тўнғичи — Бердиқул илмининг сермашаққат йўлидан борди. У 1971 йили Тошкент дорилфунун тарих куллийетининг фалсафа бўлимини аъло баҳолаб билан тугатди ва Москвадаги аспирантурага йўл олди. 1975 йили Москва дорилфунун фалсафа куллийетининг илмий кенгашида "Билишда ягоналик, алоҳидалик ва умумийлик категориялари диалектикаси" мавзусида диссертация химоя қилиб, фалсафа фанлари номзоди бўлди. Академиклар Б. А. Кедров, С. Т. Мелюхин, И. Т. Фролов, фалсафа

доктори, профессор А. П. Шептулин билан мулоқот еш файласуфга кўп фойдали нарсалар берди.

Москвадан қайтиб келгач, кадрдон дорилфунунда фалсафадан дарс бера бошлади. Аввал доцент, сўнгра фалсафа факультети деканининг ўринбосари бўлди. 1983 йилда Ички ишлар вазирлигининг Тошкент Олий милиция мактабига фалсафа кафедраси бошлиғи бўлиб ўтди.

Дастлабки йил осон бўлмади.

НИШОНДАН ЧИҚҚАН ФАЙЛАСУФ

ИИБ Олий мактаби фалсафа кафедрасининг бошлиғи,
милиция полковниги Б. Тўйчиев ҳақида очерк

Бўлажак милиция офицерларини тарбиялашнинг ўзига хос жиҳатлари кўп. Майорлик погонлари ҳам кўп нарсани зиммага юклади. Лекин у илмий ишни йигиштириб қўймади. Республиканинг етакчи файласуфлари—академиклар М. М. Хайруллаев, Э. Ю. Юсупов, Беруний номли Давлат муқофоти соҳиби профессор К. И. Ивановалардан кўп нарсалар ўрганди. Илмий тўпламлар ва даврий матбуотда мақолалари доимий равишда эълон қилинди. Улар орасида: "Ўрта Осиенинг ўрта аср фалсафасида ягоналик, алоҳидалик ва умумийлик категориялари", "Оқилона эҳтиёжларнинг шаклланиши", "Ижтимоий жиҳатдан номатлуб ҳодисаларни бартараф этиш йўллари", "Сиёсий маданият ва шахс", "Кишилар турмуш тарзини инсонпарварлаштиришнинг ички ишлар идоралари бўлажак ходимини шакллантиришга таъсири" ва бошқа мақолалар бор. Ҳозирги жамиятда демократиялаш шароитида ҳуқуқни муҳофаза қ

ДУШАНБА

2 август
ЎзТВ 1

18.00 "Бугун...". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Бурч". 18.40 "Тилларанг ришталар жозибаси". Телефильм. 18.55 "Қишлоқ ҳаёти". Фаргона вилоятидан кўрсатув. 19.25 Ёшлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёшлар. 19.55 "Қалб садолари". Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти. 20.55 Ёшлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.40 Вилоят театрларида. Илҳом Хасанов. "Бир кам дунё". А. Мажидий номидаги Каттақўрғон шаҳар драма театрининг спектакли.

ЎзТВ II

18.30 "Ассалому алайкум" (такрор). 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 20.20 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 20.50 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 21.10 "Парвоздаги турна". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

5.00 "Якулар". 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 К. Гоци "Қарға". Москва академик сатира театрининг болалар учун фильм спектакли. 10.20 "Мавзу". 11.00 Янгилар. 11.20 "Тол".

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемист". 15.10 "Иш". 15.20 "Майя арис". Кўп серияли мультфильм. 15.45 "Янги номлар". К. Лифшиц чалади (фортепиано). 16.00 Епископ Василий (Родзянко) билан суҳбатлар. 16.40 кўрсатув. 16.20 "Иқболи кулганда". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 "Палитра". 18.00 "Тол". 18.30 "Ҳафтанинг акс садо". 19.00 А. П. Чеховнинг охири пьесаси. 19.40 Хайри тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёшлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Тутун". Уч серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия (Россия, Германия, Швейцария). 21.35 "Спорт уик-энди". 21.50 "Янги студия" таништирадиган: "Джем-сейшн". Танаффус пайтида (23.00) — Янгилар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 Россияда бизнес. 8.30 "Лидия Русланова. Зое кетган беш йил". 1-кўрсатув. 9.15 Тонгги концерт. 9.30 Мутлақо махфий. 10.25 Мульти-пулти. 10.45 Хонаки экран. "Менинг укам". Бадий фильм. 12.25 "Дехқонларга тааллуқли масала". 12.50 Сув спорт турлари бўйича Европа чемпионати. Сувга сакраш. Эркалар. Шеффилддан кўрсатилади. 13.50 "Американинг ёввойи табиати". Кўп серияли телефильм премьераси. 14.20 Янгилар. 14.35 "Бола тилидан". 15.05 Волейбол бўйича жаҳон лигаси биринчилиги. 1-ўрин учун матч. 16.05 "45". Публицистик кўрсатув.

17.00—19.05

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.05 Душанба куни детектив "Лаки страйк" таништирадиган. "Портлаш тўлкини". Бадий фильм. "Криминал ҳодисалар" туркумидан. 20.00 Видеошэрият. "Давр дареси". Г. Державин. 20.15 "Лад-галерея". 21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 21.25 Спорт кўрсатуви. 21.30 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.35 "Қутқариш хизмати-911". 22.30 Волейбол бўйича жаҳон лигаси биринчилиги.

СЕШАНБА

3 август
ЎзТВ 1

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Эстрада тароналари. 7.50 Мутахассис маслаҳати. 8.00 "Шалпангкулок". Мультфильм. 8.10 "Билиб кўйган яхши". 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 "Аёл қадри". 9.45 "Эрта тонг". Бадий фильм.

ЗАНГОРИ
ЭКРАНДА

18.00 "Бугун...". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ёш спортчилар". 18.40 Халқаро анжуман. Телевизион киножурнал. 18.50 "Фан уфклари". 19.25 Ёшлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёшлар. 19.55 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Мулла Тўйчи Тошмухамедов номидаги Қашқадарё вилояти мусиқали театри яққолларининг концерти. 20.55 Ёшлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.40 "Билетлар сотилган". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг "Алдагани хотин яхши" спектакли ҳақида. 22.25 "Насриддин Хўжадан". Бадий фильм. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

18.30 "Уолт Дисней таништирадиган...". Мультфильмлар тўплами. 19.20 "Афсона — Ибн Сино ватани". Телефильм. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Кинотриана". 21.00 "Оҳанларнинг ҳамиша янграйверсин". Телефильм. 21.30

Ўз ТВ II 17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ. "ОРБИТА IV"

5.00 Янгилликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилликлар. 8.20 Мультфильмлар. 8.55 "Жилвони маҳкам тут". Болалар учун телевизион бадий фильм. 10.00 "Тинчлик учун, бахт-саодат учун, меҳр-муҳаббат учун". Вокал-хореография композиция (Житомир). 10.10 "Саёхатчилар клуби" (сурдо таржимаси билан). 11.00 Янгилликлар. 11.20 "Америка М.Таратута билан". 11.50 Г.Х.Андерсен. "Иррит ўрдакча". Давлат қўғирчоқ Катта театри фильм-спектаклининг премьераси (Санкт-Петербург). 12.50 "Турмуш икки-чирлари". Бадий телесериал. 7 ва 8-сериялар. 13.50 Мультфильм. 14.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Бридж". 14.50 "Бизнес-класс". 15.05 "Майя ариси". Кўп сериали мультфильм. 15.55 Г.Ф.Телеман. Альт ва торли оркестр учун концерт. 16.10 "Технодром". 16.20 "Рок-сабоқ". 17.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Рус қайинининг новдаси" кўрсатуви таништилади. 17.45 "Инсон ва қонун". 18.15 "Америка М.Таратута билан". 18.45 "Мўъжизалар майдони". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилликлар. 20.25 "Хафтаннинг машхур киши". 20.40 "Детективлар клуби"да. "Суини". Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. 6-серия. 21.35 "Телеёдномалар".

"ВИД" таништилади:

21.55 "Обоз"нинг махсус сони. Алена Апина. 22.45 "Авто-шоу". 23.40 "Мен деярли машхурман". Танаффус пайтида (23.00) — Янгилликлар. 00.40 Уимблдон кортларида.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 "Оловли ей". Телемарафон. Курсдан кўрсатилади. 9.10 Россия қобусномаси. "Илҳом ва гўзаллик париси". Зинаида Волконская. 2-қисм. 9.55 "К-2" таништилади. "Абзац". 10.55 Кундузги сеанс. "Санта-Барбара". Кўп сериали бадий телефильм. 202-серия. 11.45 "Оқ қарга". 12.35 "Дехқонларга тааллуқли масала". 12.55 "Оловли ей". Телемарафон. Белгороддан кўрсатилади. 15.55 Жума кунлари Дисней. "Бўрсук билан гаплашган бола". Бадий филм. 1-серия. 16.45 Янгилликлар.

17.00—19.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.00 "Атом хавфига қарши" 2-кўрсатув. 19.30 Биз севган комедиялар. "Ёлғизларга ётоқхона ажратилади". Бадий фильм.

Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда".

ШАНБА

7 АВГУСТ

ЎзТВ I
6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Классик ашулар. 7.50 Шифокор маслаҳати. 8.00 "Фаррух ва Зумрад". Мультфильм. 8.15 Дунё воқеалари. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...". 9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 "Диққат, тошбақа". Бадий фильм. 10.30 "Бола бошидан...". Мактабгача тарбия масалалари. 11.10 "Мусикали оила". Бухоро вилояти Гинджувон шаҳрида яшовчи Фаттоевлар куйлайди. 11.40 "Чорраҳа". Жиззах вилояти ДАН бўлими ходимларининг иш фаолиятдан. 12.15 "Китоб ва ҳаёт". 12.50 "Ёшлик студияси. "Ойдин орзулар". 18.00 "Оромгоҳлар қўйнида". 18.30 "Хотира". 18.50 "Санъат олами". 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Катталар учун мультфильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Санъат усталари ижросида концерт. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. "Мактуб—қўнғил ойнаси". Фаргона вилоятидан кўрсатув. 22.15 "Зарафшон". Телефильм. 22.35

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. "Олтин остона". Адабий-публицистик кўрсатув. 23.35 "Тунги егду". Дам олиш кинопрограммаси.

ЎзТВ II

17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.

"ОРБИТА IV"

5.50 Эрталабки гимнастика. 6.00 Мультфильм. 6.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгилликлар. 7.35 "Спорт-имконият". 8.05 "Марафон-15" таништилади. 8.30 "Бумеранг". 9.00 Шанба кунги дастхат. 9.30 "Рус олами". 10.10 "Авиакосмик салон". 10.25 "Ҳокимият сиймоси". 10.40 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Сузиш. Англиядан кўрсатилади. 11.10 "Мулдор алифбоси". 11.25 "Мусикий дўкон". 11.55 Рус адабиётига бағишланган биринчи Бутунжаҳон кон

Ички ишлар вазирининг 1991 йилда “Милиция участкаларини ташкил этиш тўғрисида”ги буйруғи эълон қилинган эди. Ундан кўзда тутилган мақсад — бир қатор хизмат тизимлари ходимларини бир жойга тўплаган ҳолда, ўзаро ва яқин ҳамкорлик асосида жиноятчиликка ҳамда ҳуқуқбузарликка қарши кураш олиб бориш, тезкорликни ошириш, ходимларнинг қимматли вақтларини тежаш, фуқароларнинг юмушини енгиб қилиб, ҳожатини чиқаришдан иборат эди.

Ушанг икки йиллик муддат ушбу буйруқнинг низоҳатда ҳаётиятиги ва ҳозирги давр талабига ўз вақтида берилган жавоб эканлигини кўрсатди.

Ҳақиқатан ҳам милициянинг аввалги бирмунча тарқоқ ҳолдаги саб-ҳаракати ва кучи эндиликда бир нуқтага тўпланиб, айниқса, туманларнинг оператив вазият жиҳатдан энг оғир жойларида жиноятчиликка ва тартибузарликка қарши зарба беришда ўз

афзалликларини кўрсатмоқда. Тўғри, бу тартибда иш юритиш яхши натижалар бермапти, деганлар ҳам бўлди. Бироқ буйруқ ижросига сидқидилдан ёндашилиб, иш тўғри

вазифасини бажариш катта участка вакилига юклатилди. Унга милиция участка вакиллари, вояга етмаганлар билан ишлаш назорати, жиноят қидирув, пост-патрул хизмати ва

топган милиция участкасида амалга оширилаётган ибратли ишлар ва участка бошлиқларининг фаолиятини ўрганиб, бу ишни янада ривожлантиришга бағишланган

участкаларидан яхши фойдаланилмоқда. Чунки жойларда рўй бераётган турли-туман воқеаларни, муаммоларни милиция участкаси бошлиқларининг ўзлари ҳал этишмоқда. Бу эса туманлар ва шаҳар ИИБ раҳбарларининг вақтлари беҳуда сарфланмаслигида, кўпроқ жамоатчилик орасида бўлишларида, ходимларга хизмат ҳудудларининг ўзида яқиндан ердан беришларида ва ҳам жиҳатидан каттароқ муаммоларни бемалол ҳал этишларида ўз аксини топмоқда, бошқа имкониятлар яратилмоқда.

Энг қувончлиси шуки, милиция ходимларининг халқ билан яқинлиги мустаҳкамланиб, ўртадаги ишонч кайфияти тобора мақсад бирлигини ифода этмоқда ва бир ёқадан бош чиқариб ишлашда муҳим омилга айланилмоқда.

Сиддик СУЛАЙМАНХУҲАЕВ,
Узбекистон Республикаси ИИБ
Профилактика хизмати
бошқармаси катта инспектори,
милиция майори.

МУҲИМОМИЛ

ташкил этилган жойларда ўйлагандан ҳам юқори натижаларга эришиляпти. Айниқса, шаҳар ва туман марказларидан узоқда жойлашган ҳудудларда бу тартибда иш юритиш низоҳатда қўл келди.

Хоразм вилоятида бу ишга яхши эътибор берилди. Жумладан, Урганч шаҳрининг ўзида 5 жойда, Хива шаҳри ва туманида, Урганч тумани Чолиш қасабасида, Шовот туманининг Манак қишлоғида милиция участкалари ташкил этилди.

Милиция участкаси бошлиғи

алоҳида милиция батальони ходимлари оператив жиҳатдан тўғридан-тўғри бўйсундирилди. Милиция участкаси бошлиғига аҳоли зич жойлашган марказлардан бино ва хоналар ажратиб берилди ҳамда радиоалоқалар ўрнатилди. Буларнинг ҳаммаси ўз самарасини берди, участкалар ҳудудда вазият барқарорлашди. Милиция участкалари фаолиятига вилоят ИИБ томонидан амалий ердан кўрсатиб турилди.

Яқинда Чолиш қасабасида ташкил

семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда янги тузилма фаолиятидаги қийинчиликлар ва баъзи муаммоларни ҳал этиш бўйича фикрлар алмашилди. Қўшқўпир, Гурлан, Хонка туманлари, Дўстлик шаҳрида ҳам шундай таркиблар барпо этиш режалаштирилди. Демак, бу шаклда фаолият юритишга эътиборнинг ошаётгани жиноятчиликка қарши курашда яхши натижаларга эришиляпти, деганидир.

Нафақат Хоразм вилоятида, балки бошқа вилоятларда ҳам милиция

ЭНДИГИНА 21-22 баҳорни қаршилаётган Бахтиёр ва Эркин иккиси Тошкентга келмаганларида бундэк кўргиликлар бўлмасиди?

Икки дўст мотоцикл сотиб олиш учун Самарқанд вилоятининг Ургут туманидан Тошкентга келишди. Табиийки, узоқ йўл кишини уринтириши турган гап. Улар Тошкент аэропортидаги “Космос” меҳмонхонасидан жой олиб, ҳордиқ чиқармоқчи, кейин эса бозор айланмоқ ниятида эдилар.

— Бўш жой йўқ, — деди маъмур.

— Хўш, энди н

УЙЧИ ТУМАНИ ички ишлар бўлими ходимлари жиноятчиликка, ҳуқуқбузарликка қарши кескин кураш олиб бораётирлар. Уларнинг самарали изланишлари туфайли туманда уя қуриб, халқ ва давлат мулкани талон-торож қилиш билан шуғулланиб келган гуруҳ фош этилиб, одил суд ҳукмига ҳавола этилди. Албатта, бу осонликча кечгани йўқ. Ўғрилар пихини ёрган, жиноят содир этган жойларида кўзга илинадиган айтарли из қолдирмас эдилар.

1992 йилнинг 25 ноябри. Ярим тун. Ўнхаёт қасабаси Кенгаши ҳудудида жойлашган 35-ўрта мактаб атрофида қора шарпалар пайдо бўлди. Улар атрофни кузатиб чиқишгач, ўқитувчилар хонасининг дераза ойнасини эҳтиёткорлик билан синдириб, ичкарига киришди. Хонани кўздан кечираётиб, уларнинг кўзлари бурчакдаги темир сандиққа тушди. Сандиқни амаллаб очиб, ичидаги 25 минг сўм пул ва иккита рўмолни кўлтиққа урдилар. Чиқиб кетаётиб телефон аппаратини олишни ҳам унутишмади.

Шу йилнинг 3 февралига ўтар кечаси ўша шарпалар Машад қишлоқ Кенгаши

тегрисидаги 2-аралаш моллар дўкони деворини тешиб, ҳар метри 437 сўм турадиган 250 метр хонатлас, ҳар метри 159 сўмлик 100 метр беқасам, 20 дона аёллар юбқасини ўмариб кетдилар. Ўғриланган буюмларнинг умумий қиймати 135 минг сўмни ташкил этарди.

МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

Тунги "овчи"лар кейинги жиноятга 12 март тунда қўл урдилар: 2-хўжалик моллари дўкони орқа деворини тешиб кириб, умумий қиймати 242 минг сўм турадиган иккита "Стандарт" маркали телевизорни орқалаб кетдилар.

Ички ишлар ходимлари юқорида санаб ўтилган уч жиноят бир гуруҳга тааллуқлигини аниқлашди.

Жиноятчиларни қидириб топиш учун суриштирув ишлари, бутун куч-имкониёт ишга солинаётганди. Аммо аҳоли ўртасида олиб борилган дастлабки суриштирув ишлари ҳеч қандай натижа бермади. Бу борада ҳар иккала жамоа

Кенгаши ҳудудида истиқомат қиладиган, илгари ўғрилиқ билан жиноий жавобгарликка тортилган шахслар текшириб кўрилди.

Туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Одилжон Сайдазимов тезкор ходимлар билан ўтказган навбатдаги йиғилишда халқнинг

очишда ёрдам берадиган бўлдилар.

Режали, эҳтиёткорлик билан олиб борилган қидирув ишлари ўз самарасини берди. Тез кунда калаванинг учи топилгандай бўлди. Шубҳа билан икки шахс қўлга олинди. Улар тумандаги А.Мўминов номли жамоа хўжалиги аъзолари Абдубанно Дадабоев ва Маҳмадҷон Дадамирзаевлар бўлиб чиқди. Дастлабки терговдаёқ бу шахслар айбларини бўйнига олдилар. Кейинроқ, уйларида ашёвий далиллар топилди.

Шундай қилиб, туманда энди илдиз отаётган яна бир жиноий гуруҳ фош этилди. Унда милиция капитанлари Б.Адашев, Бахтиёр Халилов, милиция катта лейтенантларидан О.Раҳмонов, Т.Раҳмоновлар жонбозлик кўрсатдилар.

Туман ИИБ раҳбарияти бу тўрт азаматнинг хизматларини юқори баҳолаб, уларнинг ҳар бирини 10 минг сўмдан пул мукофоти билан тақдирлади.

О.МАҲАМАДАЛИЕВ,
Уйчи туман ИИБ
бошлигининг шахсий таркиб
билан ишлаш бўйича
муовини, милиция майори.

АРЗИМАГАН НАРСАМИ?...

ХИКМАТУЛЛО Эшонкулов, Акбар Шомуродов, Чори Тиллаев, Бурхон Холдоров, Исмаилов Раҳимов, Наврўз Қиличев, Мурод Рустамов, Гулом Рўзиев — буларнинг ҳаммаси Қарши шаҳар халқ суди томонидан жазога тортилганлар. Ҳаммаси эндигина мактабни битириб, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшлар. Бу ўспиринлар нима учун қамалишди, дея қизиқарсизлар?

Хикматулло Эшонкулов 1973 йилда Қамаш тумани Гиштли қишлоғида туғилган. У 1992 йил 8 ноябрь куни кундуз соат 14 лар атрофида "Гиштли" жамоа хўжалиги сут-товар фермаси олдида турганда, йўлдан ўтиб кетаётган қишлоқдоши Олтибой Тоштемировни тўхтатади. Арзимаган баҳона билан уни роса дўппослайди, тан жароҳати етказди.

Оқибатда Олтибой 27 кун шифохонада ётиб чиқади. Бу даврда уни даволаш учун давлатнинг 5762 сўм маблағи сарфланди.

1993 йил 4 март куни бўлиб ўтган туман халқ суди Хикматулло Эшонкулов

СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ

Малайзиядаги учрашувлар

ЎЗБЕКИСТОН биринчилигидаги танаффус пайтида Малайзияга сафар қилган Фаргонанинг "Нефтичи" жамоаси футболчилари мамлакат пойтахти Куала-Лумпурдаги полиция академияси шаҳарчасида ҳам бўлдилар.

Академиянинг дарсхоналари ва бошқа хизмат мажмуалари билан унчалик батафсил таниша олмаган бўлсаларда, спорт мажмуи футболчиларда жуда катта таассурот қолдирди. Футбол, хоккей, регби ўйналадиган майдонлар, гольф майдончаси, сув ҳавзаси, бошқа спорт иншоотлари фақат завқ-шавқ уйғотарди. Мезбонлар уларни таништириш билан кифояланмадилар, эртаси кунни пойтахтнинг марказий ўйингоҳи — "Мердека"да полициянинг терма жамоаси билан футбол ўйнашни таклиф қилдилар.

— Маълум бўлишича, — деб ҳикоя қилади "Нефтичи" тренери Михаил Вартазаров, — полиция терма жамоаси профессионал жамоа экан, Малайзия биринчилигининг иккинчи дивизионида (лигасида) қатнашаркан. Саккиз клуб ўйнайдиган иккинчи дивизион маҳорат борасида ўн жамоани ўз ичига олган биринчи дивизиондан унчалик қолишмайди. Шунинг учун биринчилигининг якуний қисмида биринчи дивизионнинг олти ва иккинчи дивизионнинг иккита энг кучли жамоалари медалларга даъвогар бўладилар. Бизга ҳамроҳ бўлган Малайзия футбол федерацияси ходимларининг айтишича, ким голиб чиқишини олдиндан айтиш мушкул. Иккала дивизион жамоаларининг

деярли ҳаммасида дунёдаги етакчи футбол жамоаларидан келган уч нафардан ўйинчи бор. Чунинчи, полициянинг терма жамоасида югославиялик икки ва олмониялик бир футболчи ўйнамоқда.

— Ана шу терма жамоа билан учрашувингиз қандай ўтди?

— Бизнинг йигитларимиз кучлироқ бўлиб чиқди. Тўп урадиган вазиятлар кўп бўлди. Тўғри, дарвозага иккитагина тўп киритилди. Уйиннинг сўнги дақиқасида мезбонлар бизнинг дарвозага битта тўп киритдилар. Биз дарвозабонсиз борган эдик, малайзияликлар ўз дарвозабонларини таклиф этдилар. У дарвозада ёмон турмади, лекин барибир тўпни ўтказиб юборди.

— Яна ким билан ўйнадинглар?

— Эртасига армия терма жамоаси билан учрашув ўтказди. Уйин дуранг билан тугади: 1:1. Шу билан ўйин дастуримиз якунланди. Бир неча кун денгиз соҳилидаги Диксон бандарида дам олдик.

— Футбол Малайзияда машҳур эканми?

— Жуда ҳам. Футбол федерациясининг президенти Малайзия сўлономининг ўзи экан. Федерация ҳашаматли кошонада жойлашган. У билан ёнма-ён меҳмонхона, ресторан, бир неча қулай футбол майдончалари бор.

Бизнинг таширишимиз пайтида федерация тренерлар учун семинар ўтказди, унга нафақат ўз мамлакатидан, балки қўшни Сингапур, Таиланд, Бангладешдан ҳам мураббийлар қақирлиди. Ундаги машғулотларни Англиядан келган

мутахассислар олиб боришди.

Кишилар ўйингоҳларга иштиёқ билан борадилар. Ҳатто ўртоқлик ўйинларига ҳам 10-15 минглаб томошабин йиғилади. Футболчиларнинг доваруғи ҳудди Европа ёки Жанубий Америкадагидан қолишмайди. Учрашувлардан бирида бир футболчининг қоши озгина ёрилган эди. Телевидение ана шу футболчини қоши тузалгунча ҳар кунни кўрсатиб борди.

— Малайзияда ўзбекистонлик бир неча футболчи ўйнамоқда. Уларнинг ишлари қандай бормоқда?

— Бу йил у ерга тўртта йигитимиз борган эди. Билолов билан Холмиров биринчи дивизиондаги Парак штати жамоасида, Завальнюк билан Синелобов эса иккинчи дивизиондаги "Перлис" клубида ўйнамоқдалар. Улар ҳақида матбуотда илиқ сўзлар ёзилмоқда. Демак, йигитларимиздан мамнулар.

— Сўнги савол. Малайзия пойтахтида Ўзбекистон ва Марказий Осиё бошқа республикалари кириши керак бўлган Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) қароргоҳи жойлашган. ОФК раҳбарлари билан учрашдингизларми?

— Ҳа. Унинг бош қотиби Петер Веллан билан суҳбатлашдик. У Ўзбекистонга октябрь ойида келишга ва республикамизни ОФКга қабул қилиш масаласини узил-кесил ҳал қилишга ваъда берди.

С.ГАПИЧ.

ЖАМОАДАН УМИД КАТТА

БУНДАН икки ой муқаддам Хоразм вилоят ИИБ бошлиғи, вилоят "Динамо" спорт жамияти раиси, милиция полковниги Тўражон Холматов "